



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 25 - dekabr

212-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

### Нуробод тумани “Наврӯз” маҳалла фуқаролар йигини худудидан 1 та 5 қаватли 2-3 хонали уй-жойлар қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июнданги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ Нуробод тумани “Наврӯз” маҳалла фуқаролар йигини худудидан 1 та 5 қаватли 2-3 хонали уй-жойлар қурилишини амалга ошириш мақсадида

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжинииринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти филиали буюртмачилигига Нуробод тумани “Наврӯз” маҳалла фуқаролар йигини худудидан 1 та 5 қаватли 2-3 хонали уй-жойлар қуриш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят худудий бошқармасига қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган 0,10 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжинииринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти филиали (С.Худойбердиев), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали (Ш.Илмуратов) ва вилоят қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов):

мазкур объектларнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тегишли ташкилотларнинг техник шартлари ҳамда хуносаларида белгиланган талаблар асосида ўз муддатида ишлаб чиқиб, тасдиқланишини;

экспертиза хуносаларини олиш ва тендер савдолари ўтказилишини таъминласин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Курилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (F.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти филиали (С.Худойбердиев), тегишли лойиҳа ташкилоти (ложиҳа муаллифи), вилоят Курилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назорати қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режаграфик асосида бажарилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойқулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Нуробод тумани ҳокимлиги (Ф.Заиров) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда туман ер ҳисботи (баланси)га тегишли ўзгартириш киритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов